UZINVEST.UZ

ЮКОРИ ДАРОМАДЛИ ЛОЙИХЛАРГА ХИМОЯЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ:
$126 000

ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА:
$270 000

ИНВЕСТИЦИЯ САРМОЯСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИ:
171%

МУАЛЛИФ САРМОЯСИ:
$50 000

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



ЛОЙИХА № 1
КУРЬЕР СУМКАЛАРИДА КЎЧМА РЕКЛАМА

Лойиханинг махсади: Муаллиф курьерлар учун LCD-экранлар (19–21 дюйм, Full HD) ўрнатилган термосумкалар яратадиган инновацион стартапни тақдим этмоқда. Бу экранлар сумкани ҳаракатланувчи реклама платформасига айлантиради. Курьер ҳаракатланганда экранларда брендлар томонидан юборилган қисқа видео-роликлар (5–15 сония) намойиш этилади, бу эса гиперлокал аудиторияни қамраб олишга имкон беради.

Лойиҳа hardware ва software'ни бирлаштиради:
Hardware: LCD-экранли термосумкалар, GPS-трекерлар ва 10 соатгача автоном ишлашни таъминловчи батареялар.
Software: контент юклаш, кампанияларни бошқариш ва реал вақтда аналитика учун веб ва мобиль иловалар (iOS/Android).

Яратилаётган янги мобиль реклама экотизими қуйидагиларни таъминлайди (доставка агрегаторлари билан интеграция қилинади):

- Курьерлар учун қўшимча даромад (реклама йиғимларининг 10–20%).
- Брендлар учун юқори қамровли таргетланган реклама (битта сумка учун кунига 2400 тагача кўрсатув).
- Логистика соҳасида янги иш ўринлари яратиш.

Лойиҳа тайёр MVP босқичида:

- 19 дюймлик Full HD экранли, антибликовое қопламали ва кўча шароити учун мос ёруғликка эга 1–5 та прототип ишлаб чиқилди ва тестдан ўтказилди. Синовлар Тошкент шаҳрида реал шароитда амалга оширилди.
- Илованинг имкониятлари: динамик контент, геотаргетинг ва GPS орқали намойишларнинг 100% кафолати.

Муаллиф ишлаб чиқиш ва тестлашга $50 000 сарфлаган.

Бозор ва потенциал:
Лойиҳа Ўзбекистон ва Марказий Осиёда adtech, ташқи реклама ва етказиб бериш логистикаси бозорлари кесишган нуқтада ишлайди. Бу e-commerce ва етказиб бериш сервислари билан интеграция қилинган гиперлокал мобил DOOH (Digital Out-of-Home) формати ҳисобланади.

- Ўзбекистоннинг умумий медиа бозори ўсиб бормоқда, digital-сегмент эса 2025 йилга келиб бутун реклама бозорининг 30%ини ташкил этади.
- Ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчи фаол аҳоли — **11,7 млн киши (аҳолининг 31,7%).**
- Асосий эътибор мобил ва таргетланган рекламага қаратилган, анъанавий билбордлар эса динамик форматлар олдида мавқеини йўқотмоқда.

Технологик афзалликлар:

- Юқори сифатли дисплейлар: антибликовое қоплам ва юқори ёруғлик роликнинг тўғридан-тўғри қуёш остида ҳам аниқ кўринишини таъминлайди. Характеристикалар: 19”, Full HD (1920x1080), 60Hz.
- Динамик контент: 5–15 сониялик видео формати пиёдалар, ҳайдовчилар ва шаҳар аҳолисининг эътиборини самарали жалб қилади.
- Показлар кафолати (Proof of Play): GPS-трекерлар ва аналитика ҳар бир намойишнинг аниқ вақтини ва жойини тасдиқлайди.

Рақобатчилардан фарқи:
Лойиҳа Ўзбекистон ва Марказий Осиё бозорида ўзига хос ҳисобланади. Бу — термосумкаларда интеграция қилинган аналитика, курьерлар учун revenue-sharing ва локал бозорга йўналтирилган биринчи мобил реклама экотизими.
Брендлар анъанавий реклама самарасиз бўлган шаҳар ҳаётининг энг марказида — акциялар ва алоқа хабарларини тақдим этиш имкониятига эга бўлади.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: $126 000, шундан:

Номланиши	Сумма, $
Махсус эҳтиёт қисмлар ва бутловчи қисмларни сотиб олиш	66 000
200 та бокс харид қилиш	14 000
Операцион харажатлар	46 000
Жами	**126 000**

Йиллик даромадлар хакида маълумот

Номланиши	Микдори	Нархи, $	Сумма, $
Реклама кўрсатишдан даромад	12	60 000	720 000
Жами			**720 000**

Йиллик харажатлар хакида маълумот

Номланиши	Сумма, $
Операцион харажатлар (иш ҳақи, солиқлар, ижара тўлови, маркетинг ва ҳоказо)	450 000
Жами	**450 000**

- Йиллик даромад: $720 000
- Йиллик харажатлар: $450 000
- **Йиллик соф фойда**: $720 000 – $450 000 = **$270 000**

ROI = $\frac{\text{Сой фойда}}{\text{Инвестиция}}$ x Инвестор улуши x 100% = **171%**

Фойданинг тақсимланиши

Киритган сармоя тўлиқ қоплангунигача: Инвестор – **80%** ва лойиҳа Муаллифи – **20%**
Киритган сармоя тўлиқ қоплангач: Инвестор – **40%** ва лойиҳа Муаллифи – **60%**